

Зарафшон Воҳасида Яссавия Тариқати (XV-XIX Асрлар)

*Amonov Mekhrojiddin Uzbekovich*¹

Аннотация: Мовароуннахр тасаввуф тарихида кўп сонли муршидлар биргина силсилага боғланиб қолишмаган. Натижада бир вақтда икки тариқатда, баъзилари уч, тўрт тариқатда ҳам бирдай фаолият олиб боришган. Зарафшон воҳасида яссавия тариқатида фаолият олиб борган Ходим шайх Азизон, Ямин бобо, Шайх Али шайх, Муҳаммад Тоҳир шайх, Мавдуд шайх, Камол шайх Иқоний, Шайх Жамолиддин Азизон, Шайх Худойдоди Валий Азизон, Дарвеш шайх, Мўмин шайх, Қосим шайх Азизон, Муҳаммад Олим шайх, Муҳаммад Имло Бухорий, Муҳаммад Ислоом шайх Каррухий, Мусохон шайхулислом Сармежийга оид тарихий ва эпиграфик ёдгорликларга сақланиб қолган битиклар ўрганилган. Яссавия тариқатнинг – нақшбандия, кубровия, каби тариқатлар билан ўзаро муносабатлари. Зарафшон воҳасида фаолият олиб борган тариқат муршидларининг саккиз бурчак, айлана, тўртбурчак, баргсимон, овал шаклдаги мухрлари ҳақида сўз юритилади. XV-XIX асрларда Зарафшон воҳасида фаолият олиб борган тариқат шайх-муршидларига тегишли мухрлар – иршоднома ёки тариқат хонақоҳларига тегишли ер-мулкларнинг вақф ҳужжатларига босиш учун ишлатилгани баён этилган. Тариқат тарихига оид 10 га яқин сфрагистик материал-мухрлар илк бор тадқиқ этилган. Яссавия тариқатига оид Шайх Абул Ҳасан шогирди Абул Фатҳга ёзма ижозат берган “иршоднома” ҳужжати ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Зарафшон, яссавия, нақшбандия, кубровия, силсила, иршоднома, эпиграфика, мухр.

Яссавия тариқати тарихи билан боғлиқ оид эпиграфик ёдгорликлар

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Кумушкент маҳалласида жойлашган Имом Али Суғдий (ваф. 461/1069) қабристонида яссавия тариқатининг уч шайхи: Яминбобо, Шайх Али ва Мавдуд шайхлар дафн этилган.

Олим шайх Азизоннинг “Ламаҳот мин нафаҳотул кудс” (Муқаддас хушбўйликлардан лаҳзалар) асарида яссавия-жаҳрия тариқатининг уч йирик муршиди – Яминбобо, Шайх Алишайх ва Шайх Мавдудлар вафот этгач, Кумушкент мавзеида жойлашган Имом Али Суғдий мазор-суфасида дафн этилгани [6: – Б. 172] қайд этилган.

Абу Тоҳирхожа “Самария” асарида: “Ҳазрати Имом Али Суғдий мазори Офаринкент туманига қаршли Кумушкент қишлоғида. У Ҳусайн бин шайх Муҳаммад Суғдийнинг ўғлидир. Унинг замонасида Кумушкент қишлоғи Суғди хурд, деб аталган. Айтишларича, Имом Али Суғдий Абу Ҳасан Кархий Бағдодийнинг шогирди бўлган. Илм таҳсилани Бағдодда олган. “Сияри кабир”га олий шарҳ ёзган. Бухорода қози эди. Ҳазрати Яминбобо, Мавдуд шайх, шайх Али муриди ҳамда Яминбобонинг муриди шайх Али ҳар учовининг қабри ҳам Ҳазрати Имом мазоридадур. Бу учала азизлар турк машойихларидан бўлиб, силсиласи Аҳмад Яссавийга уланган” [1: – Б. 57], деб таъкидлаб ўтган.

¹ Head, Department of Imam Bukhari International Scientific Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, PhD



Дала тадқиқоти натижасида мазкур қабристонда мавжуд қабртошлардаги эпитафик маълумотлар олинди.

Матн:

“شيخ محمد طاهر بن سيد محمد شيخ ابن قطب القطاب علي رحمة الله عليه سنة اسنا خمسين و تسعمايه”

Таржимаси:

“Шайх Муҳаммад Тоҳир, унинг отаси Сайид Муҳаммад Шайх, унинг отаси қутблар қутби Али (Аллоҳ раҳмат қилсин). Вафоти 952 (1545) йил”.

Бу қабртош Шайх Алининг набираси Шайх Муҳаммад Тоҳирга тегишли бўлиб, 1545 йилда вафот этгани қайд этилган.

Яна бир қабртошдан: “وفات ... شيخ امير علي ... سنة اربع عشرون وثمانماية”, яъни “Шайх Амир Алининг вафоти 814 йил”, деган жумлаларни ўқиш мумкин. Демак, ушбу қабртош Шайх Алига тегишли бўлиб, 814/1411 йилда вафот этган. Шунга яқинроқ турган қабртошда “Шайх Аҳмад Яссавий авлодидан, 802 (1399)” мазмунидаги битик ҳам мавжуд. Шу сабаб бўлса керак бу ерда дафн этилганларни силсиласи Хожа Аҳмади Яссавий уланган [1: – Б. 57], дейилган.

Бир “иршоднома” тарихи

Абул Ҳасан ўғли ва шогирди Абул Фатҳга берган “иршоднома” [10] қўлёзма, форс тилида бўлиб, 53,2X30,5 см. бўлиб, палеографик жиҳатдан XIX асрнинг ўрталарида ёзилган. “Иршоднома”да сана кўйилмаган, асосий матн 21 қатордан таркиб топиб, матннинг ўнг хошиясида 21 қатордан иборат оят ва ҳадислар келтирилган. Настаълиқ хатида қуйидаги матн ёзилган.

Шайх Абул Ҳасан шогирди ва ўғли шайх Мирзо Абул Фатҳга жаҳрия ва хуфия зикрларни талқин ва таълим беришликка ижозат берилгани айтилган. Матннинг ўртасида Шайх Мирзо Абул Ҳасанга тегишли тўртбурчак шаклдаги муҳр урилган. Ўлчами эни 2,5X1,5 см. Иршоднома Шайх Абул Ҳасан вафоти (1863 йил)дан олдин берилган. Бу яссавия тариқатига оид бўлган тадқиқотда учраган ягона иршод хатидир. Нақшбандия тариқатига оид иршод хатлари кўп учрасада, тадқиқотларда ҳам негачир яссавия тариқатига оид иршод хатлари ўрганилмаган. Ёки тадқиқотларга жалб қилинмаган. Мазкур иршод хати нақшбандияга оид бўлса-да, аммо муршид томонидан шогирдига нақшбандия ва яссавия тариқатига берган ижозатини кўриш мумкин. Демак, бу иршод хати нақшбандияга оид бўлибгина қолмасдан, яссавия тариқатига оид Зарафшон воҳасидаги нодир манбалардан бири саналади.

Муҳаммад Олим шайх “Ламаҳот” асарида: “Шайх Жамолиддин: “Бизнинг тариқимизда иршод хати (ёзиш) йўқ, лекин йўл узокдир, бу киши ҳақларида иршод хати ёзайлик”, дейди. Бунга кўра, яссавия тариқатида устоз шогирдига пирлик мақомини оғзаки бериб, ёзма бермагани маълум бўлади. Жамолиддин шайх шогирди Худойдод Валийга истисно тариқасида ёзма иршод бергани таъкидланмоқда. Демак, яссавия тариқатида Жамолиддин Азизонга қадар ёзма иршод берилмаган. Бу ўз навбатида яссавия тариқатига оид ёзма иршодномалар бўлмагани ҳақидаги хулосани тақдим этади

Изланиш натижасида нақшбандия тариқатига оид иршодномалар кўп учраса-да, аммо бошқа тариқатларга оид иршодномалар деярли учрамади. Яссавия тариқатида устоз шогирдига пирлик мақомини оғзаки бериб, ёзма бермагани маълум бўлади. Яссавия тариқатида Жамолиддин Азизонга қадар ёзма иршод берилмагани, тариқатга оид ёзма иршодномалар бўлмагани ҳақидаги хулосани тақдим этади.

Яссавия тариқатининг бошқа тариқатлар билан ўзаро муносабатлари

Мовароуннаҳр тасаввуф тарихида кўп сонли муршидлар биргина силсилага боғланиб қолишмаган. Қосим шайх Азизон: “Бир силсилага боғланиб қолманг!” деганига кўра, муайян тариқатда фаолият олиб бораётган муршид-пир, бошқа тариқат шайхларининг суҳбатига бориб турган ёки унинг силсиласига боғланиш учун, унга хизмат қилиб, ундан ҳам ижозат олган.



Натижада бир вақтда икки тариқатда, баъзилари уч, тўрт тариқатда ҳам бирдай фаолият олиб боришган.

Яссавия тариқати шайхи Жамолиддин Азизон Ҳиротга борганида, у кишини хизматига Мавлоно Абдуғофур келади. Абдуғофур машҳур уламолардан бўлиб, нақшбандия тариқатида бўлиб, турли эътирозларга қарамасдан, Жамолиддин азизон хизматига бардавом турган.

Қосим шайх дастлаб Хожа Мулла Валий [11: – Б. 232-233^{а-б} варақ] даргоҳида ўн беш йил хизмат қилиб, тариқат сабоғи ва рухсатини олган. Устози вафотидан сўнг кубровия тариқати намояндаларидан бири бухоролик Шайх Абдулатиф [6: – Б. 297] ҳузурига бориб ундан ҳам тариқат таълимотини ўрганади. “Ламаҳот”да Қосим шайх Азизон тўрт силсиладан рухсат олгани тўғрисида маълумот берилган. Қосим шайхнинг яссавия, кубровия, нақшбандия (Махдуми Аъзамдан рухсат олган [6: – Б. 298]) тариқати муршидларидан таълим олиб, тариқат иршод-ижозатини олганлиги манбаларда қайд этилган бўлса-да, тўртинчиси қайси тариқат экани учрамади. Бунга кўра, нақшбандия тариқати намояндалари каби, яссавия тариқати вакиллари ҳам фақатгина ўз тариқатлари билан машғул бўлиб қолмасдан, бошқа тариқатларни ҳам мукамал ўрганиб, ижозат олганлиги асносида бир вақтда бир неча тариқатда фаолият олиб боради. Бу тариқатларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлмаганлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда тариқат пирлари атрофида бир неча тариқатга эргашувчи мухлис-муридлар сони ортишига ҳам хизмат қилади.

Мусохон хожа Даҳбедий – нақшбандия, қодирия, чиштия, суҳравардия, кубровия каби тариқатларда бир вақтда фаолият олиб борган.

Хожагон ва яссавия тариқат муршидлари [*Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдлари Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавий назарда тутилмоқда*] ҳам бир устоздан таълим олган. Улардан бири Туркистонда яссавия мактабига асос солган бўлса, бошқа бири хожагон тариқатига асос солган. Тариқат вакиллари бир-бирлари билан жуда яқин алоқада ва яхши муносабатда бўлишган. Буни Хожа Али Ромитанийнинг яссавий шайхи Саййид Ота билан, Баҳоуддин Нақшбанднинг Қусам шайхнинг даргоҳида хизмат қилгани, таълим олгани каби мисолларда кўриб ўтиш мумкин. Бу борада Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг шогирд-мухлиси, дўсти бўлган Камол шайх Иқоний ўртасида бўлган самимий муносабатлар тўғрисида “Рашаҳот”да [12: – Б. 32-33] ҳам баён этилган маълумотлар тасдиқлайди. Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедийнинг яссавия пири муршиди шайх Худойдоди Валий ва кубровия тариқати пири Шайх Ҳусайн Хоразмийлар билан доимо дўст тутингани уларнинг фаолиятида бирор бир келишмовчилик ёки тариқатлар ўртасида зиддият қарама-қаршилиқлар умуман бўлмагани манбалардан [13; 7] маълумдир. Кейинги даврларда ҳам мазкур ҳолат давом этиб, Муҳаммад Ислон Жуйборий ва Қосим шайх Азизон дўстона муносабатни давом эттиришган. Махдуми Аъзам Косонийнинг шогирдларидан бири Хурд Азизон Балхий Муҳаммад Мўмин шайх (Дарвеш шайх Азизонинг ўғли)дан ҳам иршод олгани айтилади. Мазкур даврларда ҳам бу анъана давом этиб, буни Сўфи Оллоҳёр ишқия тариқати шайхлари билан, Мусохон хожа Даҳбедий яссавия тариқати муршидлари билан, Муҳаммад Имло Бухорий ва Муҳаммад Ислон шайх каби муршидлар эса бир вақтнинг ўзида ҳам нақшбандия, ҳам яссавия каби тариқатларда фаолият олиб борганида кузатиш мумкин.

Муҳаммад Имло Бухорий нақшбандия тариқатидаги пири Хожа Подшоҳ Салим Балхий бўлиб, у нақшбандия-косония силсиласига мансуб бўлган. Яссавия пири Мавлоно шайх Усмон, кубровия пири шайх Мирзо Баҳоидир Ширбудуний, ишқия пири шайх Бобо [9: – Б. 90] каби тўрт тариқат муршидларидан ижозат олгани ва шу тариқат мазкур силсилаларни юритгани ушбу даврда мавжуд тариқатларнинг бир-бири билан узвий-мутаносиб тарзда фаолият кўрсатганидан далолат беради. Муҳаммад Ислон шайх Каррухий (1726-1807): “*Сулуки мо маснавий ховонист*”, яъни “Бизнинг сулук маснавийхонликдир” – деб айтган. Бунга кўра у “Мавлавия” тариқатида ҳам фаолият олиб борганини кўриш мумкин. Ислон шайх ҳар учала тариқатда фаолият кўрсатиб “*Нақшбандия хуфияни*” хуш кўрган. Яна бошқа манбаларда Муҳаммад Ислон шайх Каррухий “чанг, най-сурнай, доира ва рубобда сўфийларнинг халқасида зикри самони талқин” қилганда, эшитган кишиларда ажойиб ҳолат рўй бергани таърифлаб ўтилган. Бунда



унинг “кубровия” тариқатидаги фаолияти намоён бўлади. Ислом шайхнинг шайх Фахриддин Ироқийнинг [788/1382 йил зулқаъда ойининг олтинчисида Дамашқ шаҳрида вафот этган. Кейинчалик бўлсада, Шайх Муҳйиддин Арабий қабрининг ёнида дафн этилган] сулукида ҳам бўлгани таъкидланади.

Мусохон асли Нур қалъасидаги Сармеж қишлоғида [9: – Б. 104-105] таваллуд топган.. Шайх Худойдоди Валий авлодидан [Яъни она томондан бобоси Абдулбосит хожанинг онаси шайх Худойдоди Валийнинг қизи ва Амир Тақийдиннинг хотиндир]. Носириддин Бухорий айтишига караганда, Мусохон бир куни бобокалони шайх Худойдоди Валий Азизон хонақосида бўлиб, Кўҳак (Зарафшон) дарёси бўйида чилладан ўтириб, жаҳрий зикр билан машғул бўлади ва шунда бобоси Худойдоди Валийдан маънавий-руҳоний тарзида “Жаҳрий” зикрга рухсат олади. Шундан кейин у хуфия ва жаҳрия силсиласини давом эттирган. Бироз муддат ўтгач, Мусохон Бухоро хукмдори фармониға мувофиқ, аркони давлат, Бухоро шаҳриға бориб, бир ой муддат “Шайхулислом” лавозимида фаолият олиб боради ва вафот этади. Вафот этгач, уни Мавлоно Муҳаммад Шариф қабри ёнида дафн этилган. Бу воқеани Максуд Дахбедий ўз ёзишмасида, Бухоро амири Мусохонни Бухороға чақириб уни мазкур лавозимға тайинлаганини маълум қилади. Шу ўринда, Максуд Дахбедий 1249/1833 йил [7: – Б. 269^a варақ] Бухородан Дахбедға қайтиб келишида йўлда Кадан мавзесидаги бир хонақоҳ (жаҳрий зикр мажлиси)да Мусохон Шайхулисломни кўрганини айтиб, уни 1251/1835 йилда вафот этганини таъкидлаган. Демак, Мусохон шайхулислом Сармежий 1835 йилда вафот этган.

Яссавия тариқатиға оид сфрагистик материаллар

Тарихий манбалар эса, ўз навбатида, Марказий Осиё тарихида муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бу планда Марказий Осиёда яратилган қўлёмалар муҳим қизиқиш уйғотиши табиийдир. Марказий Осиёда яратилган қўлёмаларға босилган муҳрларни тадқиқ этиш орқали, аксарият қўлёмаларға муҳрлар босилганлигини ва бу муҳрлар қўлёмани қайси билим даргоҳиға ёки кутубхонаға (мадраса ёки хонақоҳға) ким вақф томонидан қилгани ҳақида муҳим маълумотларға эға бўлдиқ.

Тарих фанлари доктори Ш.Зиёдов “XV-XX аср бошларида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёмалар манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида)” [3] Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёмаларда 23 та вақф ва 62 та китоб савдоси борасидаги қайдлар, шунингдек, Сидқий Хондайлиқий томонидан 48 нафар қози ва қози авлодлари, 34 нафар муфтий ва муфтий авлодлари, 13 турдаги мударрис ва қориларға тааллуқли, 86 хусусий шахсға ва 4 амалдорға оид жами 185 дона муҳр ясалгани, XV-XX асрларда Марказий Осиё кутубхоналарида сақланган 2605 та қўлёмаларда 1652 турдаги муҳр излари бўлгани очиб берилган.

Тадқиқотчи Ш.Зиёдов муҳрлар тадқиқотиға оид монографик тадқиқот сифатида тайёрланган “Ўрта Осиё сфрагистикасиға оид материаллар (Тошкент. XIX охири – XX аср бошлари) муҳрлар каталоги”ни ҳам эълон қилди [4].

Изланиш натижасида бевосита Зарафшон воҳасида фаолият олиб борган яссавия тариқати билан бевосита боғлиқ бўлган саккизбурчак, айлана, тўртбурчак, баргсимон, овал шаклдаги муҳрлар аниқланди.

1. *Яҳё хожя ибн Эшон Мусохон хожя Сармежий*. Ов. 27x17 мм. // Иршоднома (Ғойибназар махзум ибн Муҳаммад Собир махзум). Қўлёмалар, форсча, настаълиқ. 1299/1880. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
2. *Жалолиддин хожя ибн Эшон Яҳё хожя*. Ов. 25x15 мм. // Иршоднома (Ғойибназар махзум ибн Муҳаммад Собир махзум). Қўлёмалар, форсча, настаълиқ. 1299/1880. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
3. “*Ғуломи хоси ислом, Шайх Абул Фатҳ. 1299*”/1880. “*Бисмиллаҳ, ва биллаҳ, ва миналлоҳ, ва илаллоҳ, ва аълаллоҳ, фалиятаваккалун*” (Аллоҳнинг исми билан ва Аллоҳ билан ва



Аллоҳдан ва Аллоҳга ва Аллоҳнинг ўзига мўминлар таваккал қилсинлар). Олти бурчак 45x45 мм. // Вақф ҳужжати. 1305/1887 йил. Қўлёзма. Муаллиф шахсий кутубхонасида.

4. *Абул Фатҳ. 1280/1863. Ов. 15 мм. // // Вақф ҳужжати. 1305/1887 йил. Қўлёзма. Муаллиф шахсий кутубхонасида.*
5. *... ки гавҳари дарёи обу аст, Баҳрул лутф исломи дин ба мавж аст* (Исломнинг лутфидин баҳравар бўлди, Дарё сувининг гавҳарга тўлгани каби). Тўртбурчак. // Иршоднома. Абул Фатҳ. XIX аср ўрталари. Қўлёзма. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
6. *Чу нури адл Абул Ҳай ..., Жоми ислом Эшон Абул Ҳасан аст* (Абул Ҳай – Эшони Ислом шайхнинг ўғли Абул Ҳасан кўз нуридур). Ду. // Шарҳи мураккаъус солиҳин” [Бурхониддин Қиличнинг “Порсо-дарвешлар учун либос” асари шарҳи] хошиясида. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
7. *Ба исми Аллоҳ, Ба исм Воҳид. Қул ҳуваллоҳу аҳад. Муҳаммад Ҳабибуллоҳ 1334/1915. Ду. Муаллиф шахсий кутубхонасида.*

Шарқ муҳрларининг тарихи етарли ўрганилмаган, дейди А. Жувонмардиев. Ҳар бир ҳукмдор нуфузини кўрсатиш учун муҳрдан фойдаланган. Муҳаммад (с.а.в.) араб кўчманчи қабилалари (бадавийлар)ни ислом динига даъват қилиб нома юбормоқчи бўлганларида, саҳобалар “улар муҳрсиз мактубни қабул қилмайдилар”, деган. Шундан кейин Пайғамбар (с.а.в.) кумуш узук кўзига бир муҳр ўйдирган эканлар. Муҳрга “Аллоҳ”, “Расул”, “Муҳаммад” калималари битилган. Бу пастдан юқорига қараб, “Муҳаммад Расулulloҳ”, деб ўқилган. Халифа Абу Бакр эса ўз муҳрига “Неъмал кодир алло”, яъни “Тангридан бошқа комил қудрат эгаси йўқдир”, деган сўзни ёздирган.

Муҳр тутиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар муҳрни ўз даражаларига қараб ёздирган ҳамда мартабасига қараб ҳужжатнинг охирига ёки бошига босилган.

Баъзи муҳрлардан фойдаланиб гоҳо ҳукмдорлар ёки авлод шажараси ҳамда силсила насабномасини билиб олиш мумкин. Масалан, Аштархонийлар ҳукмдори Субҳонкулихон (ваф. 1702) муҳрида саккиз ота-бобоси рўйхати берилган [2: – Б. 32-36]. Мулло Худойқулга тегишли иршодномадаги муҳрда ўттиз иккита соҳиби силсилалар номи ёзилган ҳасабномаси ўрин олган [5].

Хулоса қилиб, муҳрлар ҳам турлича ясалган, айримлари, жуда жозибадор ишланган бўлса, баъзилари эса умуман содда бўлганини айтиш мумкин. Шу билан бир қаторда XV-XIX асрларда Зарафшон воҳасида фаолият олиб борган тариқат шайх-муршидларига тегишли муҳрлар – иршоднома ёки тариқат хонақоҳларига тегишли ер-мулкларнинг вақф ҳужжатларига босиш учун ишлатилган. Муҳрларнинг нодир ёзма манбаларда ҳам учраши, тариқат пирларининг ўзларига тааллуқли кутубхона фонди бўлганидан далолат қилади.

Зарафшон воҳасида XVIII асрнинг ўрталари ва XIX асрларда яссавия тариқати фаолияти бироз сусаяди. Асосан ўлкада нақшбандия, кубровия тариқатлари билан уйғунлашган ҳолда кўзга ташланади. Жумладан, Зарафшон воҳасида фаолият олиб борган Муҳаммад Имло Бухорий, Муҳаммад Ислом шайх Каррухий, Мирзо Абул Ҳасан, шайх Абул Фатҳ каби тариқат муршидлари нақшбандия тариқатида фаолият олиб борган бўлишса-да, аммо кубровия, қодирия ва суҳравардия каби яссавия тариқатини ҳам биргаликда юритишган. Яъни “чор сулук”, “тўрт йўл” тушунчаси кенг тараққий этган. Натижада яссавия таълимоти XX асрларда ҳам бошқа тариқатлар билан уйғун ҳолда давом этди.

1. Абу Тохир хожа. Самария. Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқ. – Т.: Камалак, 1991. – 81 б.
2. Жувонмардиев А. Нодир саҳифалар. – Тошкент. 1977.
3. Зиёдов Ш.Ю. “XV-XX аср бошларида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида). Тар.ф.д., – Тошкент, 2022. – 272 б.



4. Зиёдов Ш. Материалы по среднеазиатской сфрагистике (Ташкент. XIX-начало XX вв.)» Монография. Самарканд: МИЦАИ, 2020. – 160 с.
5. Иршоднома. Қўлёзма. Қўлёзма, форс тилида. 1315/1896. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
6. Муҳаммад Олим шайх. Ламаҳот // Каттаев К., Каттаева Г. Қадимий китоблар таржимаси. – Т.: Qaqpus, 2020.
7. Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот. Форсча, тошбосма. 1328/1910. ИБХИТМ қўлёзмалар фонди инв. № 315.
8. Мирзо Максуд Даҳбедий. Миръотус соликин. Қўлёзма. 284 варақ. Мадина шаҳридаги Ориф Хикмат кутубхонаси инв. №1710-261/44.
9. Носириддин Бухорий. Тухфатуз зойирин. Тошбосма. Бухоро. Тошбосма, форс тилида. 1328/1909. – Бухоро. – 144 б.
10. XIX аср ўрталарига оид, қўлёзма, настаълик, форсча. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
11. Шарафиддин Роқимий. Тарихи томм. Қўлёзма. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
12. Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳот айнил ҳаёт (Обиҳаёт томчилари). Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004.
13. Хожа Абул Бақо ибн Хожа Баҳовуддин. Жомийул мақомот. Қўлёзма, форсча. Кўчирилган йили 1210/1795. Ўлчами: 14,5x23,5 см. Комилхон Каттаев шахсий кутубхонасида, инв. №4, 5.

